

001831

Тариф қиймати:

Сув 1 м<sup>3</sup> 400 (+НДС15%+100 сүм) сүм  
Окава 1 м<sup>3</sup> 350 (+НДС15%+100 сүм) сүм

24482

-сонли шартнома

II Гурух истеъмолчиларга ичимлик ва оқава сув хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

« 05 » 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Сув таъминоти дошикорларини башшамбайлош АООО (Ф.И.Ш.) шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи асосида иш олиб борувчи директор и врез Шудурдуллаев Р.Д. (Ф.И.Ш. лавозими), ГПНД, 21, иккинчи томондан, кўйидагилар хақида тузили:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиши хажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гурух истеъмолчилари учун сув етказиши 1565,00 нарх бўйича 347,85 м<sup>3</sup> ни:  
1 м<sup>3</sup> сув учун 100 сүм (+ККС 15%), + 100 сүм (махсус устами хак)ни ташкил килмоқда  
1 м<sup>3</sup> оқава суюклик учун 350 сүм (+ККС 15%) + 100 сүм (махсус устами хак)  
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 2099055,25. сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)  
Шу жумладан, бюджет маблагларидан — сўм, бюджетдан ташкари маблагларидан — сўм бюджетдан ташкари маблаглардан тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим килинган ҳисобварак фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазначилиги оркали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблаглар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган холда) хўжалик-маниший ва ишлаб чиқарши-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичади "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқарши хизматлари учун тўловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июндан 194-сонли карори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқарши хизматлари кўрсатиш Коидалари"га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ва Тошкент шаҳар хокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли карорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун ва канализация хизматларига хам

1 м<sup>3</sup> 100 сүм маҳсус устами хак жорий этилган хамда "Таъминотчи" томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиби бериш ва оқава сув чиқарши тизимига уланиш учун рухсат этувчи хўжжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарутида барча объекtlарининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимига уланишидаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган холда, калъястр нусхасини тақдим килади, "Таъминотчи"ни ўз вактида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хақида хабардор килади.

II. Умумий коидалар

2.1. Ичимлик суви билан эквиларни сугориш, ховлилар, ийлакчаларига ўрнатилган вактдан ташкари сув сепиш, хамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш катибян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларининг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маниший эҳтиёжлари, ёнгилларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқарши жараёнлари учун мўлжалланганди.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармокларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармокларига ўтвичи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқарши шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Коидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олин асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олин ускунасини ёчиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 авгуstdagi № -698 сонли карорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аникланади, обектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал микдоридан кам микдорда сув истеъмол килинганда, "Таъминотчи" сув ўлчаш тармогини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари кабул килинмайди ва ҳисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Иsteъmolchi томонидан фактат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Иsteъmolchinинг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хўжжатларни ишга кильган холда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техники шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа мезбёрий хўжжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиши лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга тушарилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқарши хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқарши хизматларининг техник холати учун эксплуатацион масъудият чегараси (сув ва оқава тизимлари, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширқатлари орасида кўйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармогининг киритиши курилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув кувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушариш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир кисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиши нуктасидаги сув чиқарши кудути бўлиб, ў "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир кисмидир. Агар чиқарши оқава кулуғи магистрал оқава тармогида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир кисми бўлади, узатиш тармогининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг кучи ва маблаги ҳисобига амалга оширилади.

### **III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. Истемолчининг ҳуқуқлари:**

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окона сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соглигига, мулкига хавф түғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилishiни талаб килиш;
- б) "Истемолчи" хисобидан хисоблаш курilmасини ўрнатиш;
- в) тегишили сифат даражасидаги ичимлик сув ва окона сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан конкунчилликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиши;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор килиши тўгрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган холда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окона сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган холда шартноманини бир томонлама бекор килиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва окона сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили оркали) белул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва окона сувни чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни белул олиш;
- ж) ичимлик сув таъминоти ва окона сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаёттанилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўгрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чоратадибандар тўгрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувни билан таъминланмаганлик (сифатиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегишили даражага олиб келинган вақт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш;

#### **3.2. Истемолчининг мажбуриятлари:**

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишили бўлган коммунал сув ва окана тармоқлари ва курилмаларининг мувофиқ равишда кўрикланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб колишига йўл кўймаслик, қудук копкоқтарини кор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат килиш, қудуклардан юза окаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга карши гидрантларга ўтиш ўйларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинга карши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши иштапини назорат килиш;
- в) "Истемолчи" худудида ёки унинг тасарруфидаги сув кувури, окона тармоқлари ва курилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг ўйлишига ҳамда сув кувури, окана тармоқлари ва курилмаларнинг устидан иштоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичида) сув кувури, окана тармоқлари ва курилмаларнинг устидан иштоотлар курилишига йўл кўймаслик.
- г) коммунал сув кувури, окана тармоқлари ва курилмаларнинг транзит нукталарида хар кандай шикастланиш, бузилишлар ҳакида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор килиш;
- д) сувни хисобга олиш приборларида яккол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганилиги тўгрисидаги холат аникланганда ҳамда хисобга олинимаган ёнгинга карши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) оркали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя килиш, хар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аникечи олиши ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган холда маълумотларни тақдим килиш ва тўловни амалга ошириши;
- ж) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва окана сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарипшига йўл кўймаслик;
- з) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окана хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор килиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишили бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва окана тармоқлари, курима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- ж) ишлаб чиқариш окана сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) окана тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истемолчи" худудида жойлашган сув ўтчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окана тизимларида хар кандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни кўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказган "Истемолчи" дархол "Таъминотчи"га хабар беришни ва етказилган зарапни қоплаш учун "Таъминотчи" техник фойдаланиши кондадарини бузилип натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;

#### **3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:**

- а) "Таъминотчи" куйидаги холларда, истемолчини 7 кун аввал хабардор килган холда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки кисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
- б) "Истемолчи" худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва окана тармоқлари, мослама ва курилмаларнинг техник холати кониқарсиз холатда бўлса ва "Истемолчи" техник фойдаланиши кондадарини бузилип натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истемолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруfидagi бўлган сув узатишни ва окана тармоқлари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишни ва бошқа ишларда "Истемолчи" томонидан асосиз халакт берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи" томонидан режали олдинни олиш таъмирлаш ишларни, сув ўтказиш ва окана тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истемолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истемолчи"ларни улар ушун ишларни ўтказишда;
- д) "Истемолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидagi коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истемолчиларнинг уланиб олганлиги аникланганда;
- е) "Истемолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов хўжжатларига мувофиқ тўловни амалга оширгандан;
- ж) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истемолчи" тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланшишига рад жавобини бергандা;
- ж) "Истемолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўrсатиш шартларига риоя килинмагандан;
- з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
- и) табиий оғатларда;
- ж) аварияларда;
- к) ёнгин чиккан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

#### **3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:**

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истемол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг холатини ва ишлени тизимили назорат килишини амалга ошириш ва уларни тўғри ишлапни ташкил этишда амалий ёрдам кўrсатиш; бюджет билан биргаликда "Истемолчи"лар сувидан оқилона фойдаланшиша сувдан оқилона фойдаланишини аниклас, сувни этказиз берип ва истемол килишини катъий назорат килиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқларни мунтазам равишда назорат килиш ва уларга тенглаштирилган сув истемол килиш чекловларига риоя килишини назорат килиш;
- г) "Истемолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истемолчи"лар сув кувур хўжалигининг текширишни (индивидуал хисоблаш курилмаснинг яхши ишлайтганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларин олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниклаган холда) бир ойда кўши билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истемолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган холларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истемолига оид меъёрий-хўкумий ва бошқа хўжжатларнинг қабул килинганини ҳакида "Истемолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув стказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали маълумот берishi;

з) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, қарзларнинг йўқлиги хакидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истемолчи"га белул берishi;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган холларда келиб чиқкан зарарни, "Истемолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истемолчи кўйидагилар учун жавобгардир:

а) сув хисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидағи қисмларнинг худудида ва тасарруфида бўлган тамғаланган хисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сакланishi учун;

б) сув тармокларига ўз бопнимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш хамда сув хисоблаш курилмаларидағи кўрсаткичларни ташкаридан аралашган холда ўзгаририш холалари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошқа холларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган ишшоатлар сабабидан, тармоклардаги авариялар бўлган холатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истемолчи" худудида жойлашган окава тармогига ёмғир ва эрган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу коидабузарлик аникланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истемолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

4.3 "Таъминотчи" кўйидаги холларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хўкумий хўжжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа холларда;

б) "Истемолчи"ларга сув таъминотига уланиши ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиши учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончили тақдим килинини учун;

в) "Истемолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва микдорда, коплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатишларни мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошқа холларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул килинган) сувнинг хисоби хисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича КҚСНИ хисобга олган холда амалга оширилади.

5.2. Окава тизимига келиб тушувчи окава сувнинг микдори, шаҳар сув тармогидан етказиб бериладиган сув микдорига тент. Марказлашган холда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган холларда, истемолчи килинувчи совук сув микдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. "Истемолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, окава сувларнинг микдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатта олинган хисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истемолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истемолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узуб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаш шарт. Истемолчи чиқиб кетгач, сувни хисобга олини асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва копланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектининг янги эгаси зиммасига юқланади.

6.2. "Истемолчи"нинг сув узатиш-окава хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истемолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олиниади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул килинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан қўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q=M \times F \times \sqrt{2g} \times H \times t$$

бунда: M – 0.60га тент бўлган зулфи оркали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик окиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

g – 9,81 м/сек га тент бўлган эркин тушини тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вакт- 24 соат, секундларда;

### Кўйидаги холатларда:

6.3.1. "Истемолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган холатларда (ёки носоз холатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилгандан, автомашинадар ювилгандан;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истемолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув микдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўтгача сарф бўйича аникланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олини асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув микдори II гурух истемолчилари учун ушбу Қоиданинг 87-«б» банди бўйича хисоб-китоб килинади;

6.3.5. "Истемолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши холатлари аникланган холатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алшиттириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган холатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориш бўгинидаги кўйилган химоя қопламига рухсатсиз тегилиши натижасида, ичимлик сув соф сарфни аниклаша имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва окава сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгинадан сакланishi гидрантлари ва хонадон кувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аникланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олинган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниклаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узбид тапланган кунга кадар хисобга олиниади.

-ўзбопимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Тайминотчи" балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбопимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатта берилади. Белгиланган муддат тугагач буортмаси (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойхада муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, "Гаъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. "Истемолгы" коммунал сув таъминоти ва окава сувни чикариб юбориш тармокларига уланиш санаси хакидаги хужжатларни тақдим этмаган холатларда "Таъминотги" томонидан, хоким қарори ва кадастри хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга хаклидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва кабул қилинган оқава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларг хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичинча акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотча" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги дозим.

6.8. "Истельмочлы" хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичдиа тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайти ва бу тўлов кеинги ой хисобига кўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки хафта муддат ичидан тўловни амалга ошираса, "Таъминотчи" хеч кандай огохлантиришларсиз ичимлик сувиний етказиб беришни ва оқава сувларни чиқариб юборишни карз ундирагунга кадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Бундай ҳолларда ёнгидан сакланиш ва санитария ҳолларни учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зинмасига юклатилиади. Сув таъминоти ва оқава сув чиқарishi тизимидан илгари узиб кўйилган ҳолларда кайта улашда II гурух истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳакининг 10 (ён) баробари микдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш оркали утилизилади.

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлары оқизилдіктан ишлаб чиқарыш окава сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирил Мажкамасинн 2010 йыл 3 февраль күнінде кабул килинган 11 солиң карори билан тасдикланған "Ишлаб чиқарыш окава сувларини кабул килиш коидалары" хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва башка ахоли пункттарининг коммунал канализация тармоқтарыга нормативдан ортиқча оқизилғандылыгы учун "Истеъмолчи" ларга белгиланған тарифға нисбетан 3 (үч) баробар ортирилувчи коэффициент мисодор тартибіда хисобланады.

5. 10. Хисоб-китобининг нотўғри қилинганилиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганилиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истемолчи" га ёзиладиган эътирознома тўғров ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддагда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истемолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўдик ва белгиданган муслимга тўлашлан озод килмайши.

## VII. Низоларин хал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келип чиккан низолар, келишув йўли билан хал килинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилиги амубофоник Томпкент шахар туман лаваро истиқсолий сунгиз кўрсаб тикшитди.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлалик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкини, ёнгин, сел, дўл. жала ва бошқа табий оғатлар) натижасида қелиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевоситга таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуритларни бажарип муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равинцида узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати маъжуд бўлган томон 3 кун ичидаги бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равинида оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўн муддат тўскиниллик килса, томонлардан биро шартномани бекор қилиш хукукига эга.

#### **IX. Шартноманинг амал килиши муддати**

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада түзилгән бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

## «ТАМНОТЧИ»

«ИСТЕММОЛГИ»

«Тошкент шахар Сув таъминоти» МЧЖ  
Тошкент 100060, Филокор 2

Тел: 252-**498-222-6079**

Факс: 252-19-44

**Р/с: 2263 8000 0001 0149 9506**  
АТИБ Ипотека банк в Мехнатский филиал  
МФО: 00423 ИНН: 201 052 713 ОКЗД: 36000  
код НДС: 326010005341

Рахбар  
М.У. (Ф.И.Ш., имзо)  
« » 202

Манзил	
Тел:	, факс
газ/х-р	<b>ГПНД-1</b>
Банк	
Банк/кошик	СИРИ: 253-82-92
ЖКХ	ДОДЖЕТ 1000 2186 0262 8770 7320 1054 001
Шахтотехник	ИНН 201 190 559; ОКОНХ 91513
Частный	
Банк	<b>МОЛДОВАЗИРЛИГИ ФАЗНАЧИЛИГИ</b>
Банк/кошик	<b>ТОШКЕНТ Ш. МАРКАЗИЙ БАНК ХКМ</b>
	СИРИ: 207 72 919;
	<b>БИЛ 2340 2000 3001 0000 1010</b>
	(записи не будут иметь номера)
Рахбар	<i>Илхом Ургуллаев</i>
M.У.	(Ф.И.Ш., имзя)

## **Юридикхуласа:**

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий таъкути яоси" туринчидан  
Конун талабларига мувофиқ тузилган

## ХУКУКШУНОС

» 202 ii.